

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM  
VAZIRLIGI**

**TOSHKENT MOLIYA INSTITUTI**

**BYUDJET HISOBI VA DAVLAT JAMG'ARMALARI FAKULTETI**

**«BYUDJET HISOBI» KAFEDRASI**

**«BYUDJET HISOBI» FANIDAN**

# **R E F E R A T**

**Mavzu: Byudjet tashkilotlarining boshqa byudjetdan tashqari  
mablag`lari hisobi**

**Bajardi: BH-80 guruhi  
talabasi Musayev Sh.**

**Tekshirdi: \_\_\_\_\_**

**Toshkent-2014**

## **Мундарижа**

### **Кириш**

1. Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобини ташкил этишнинг зарурлиги, мақсади ва вазифалари
2. Бюджет ташкилотларида бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобини ташкил этишнинг меъёрий ҳуқуқий асослари
3. Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлар ҳаракатини хужжатлаштириш ва ҳисоб регистрларида акс эттириш
4. Ҳисобварақлардаги бюджетдан ташқари маблағларнинг аналитик ва синтетик ҳисоби
5. Бошқа бюджетдан ташқари маблағлар ҳаракати бўйича ҳисоботни тузиш тартиби

### **Хулоса**

### **Фойдаланилган адабиётлар**

### **Кириш**

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач барча соҳада бўлгани каби бюджет тизимида ҳам ислохотлар амалга оширилди. Жумладан, Давлат бюджети ижросининг халқаро талаблар даражасида меъёрий ҳуқуқий тизими юзага келди, бюджет тизимининг ғазна ижроси жорий қилинди. Бу эса ўз навбатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат бюджетининг ғазна ижроси тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорида белгиланганидек “Давлат бюджетининг ғазна ижросини татбиқ этиш ҳисобига бюджет тизимини янада ислоҳ қилиш, замонавий ахборот технологияларидан

фойдаланган ҳолда бюджет маблағларининг мақсадли сарфланиши устидан назоратни кучайтириш, барча даражалардаги бюджет даромадлари ва харажатларини бошқариш самарадорлигини ошириш...<sup>1</sup>”га хизмат қилмоқда. Буни бюджет маблағларининг асосий истеъмолчиси ҳисобланган бюджет ташкилотларининг бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлари тўлалигича Ғазначиликка камраб олингани билан изоҳлаш мумкин. Бюджет ташкилотларининг нафақат бюджет маблағлари балки бюджетдан ташқари маблағлари бўйича шахсий ҳисобварақлари Ғазначилик ва унинг ҳудудий бўлинмаларида очилиши ва юритилиши ҳисобварақлардаги бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобини ташкил қилиш ва юритиш услубиётини чуқур ўрганиш ва такомиллаштириш заруриятини келтириб чиқаради. Бюджет ташкилотларининг ҳисобварақларидаги бюджетдан ташқари маблағлар жумладан, бошқа бюджетдан ташқари маблағлар ҳаракати жараёнида юзага келадиган иқтисодий муносабатлар курс ишининг предмети ҳисобланади. Бюджети тизимида амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида бюджет ташкилотлари ҳисобварақларидаги бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобини такомиллаштириш бўйича тегишли хулосаларга келиш ва тавсиялар ишлаб чиқиш рефератни ёритишдан асосий мақсад ҳисобланади.

Хулоса қисмида мавзуни ўрганиш натижасида тегишли хулоса ва тавсиялар берилади.

## **1. Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобини ташкил этишнинг зарурлиги, мақсади ва вазифалари.**

Бозор иқтисодиёти шароитида “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонунга кўра хар бир хўжалик юритувчи субъект ўз фаолияти давомида амалга ошириладиган муомалаларни хужжатлаштириш орқали уларнинг қонунийлигини таъминлаш

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги ПК-744-сон “Давлат бюджетининг ғазна ижроси тизimini янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори

мақсадида бухгалтерия ҳисобини ташил этиши лозим. Бухгалтерия ҳисобини ташкил этишдан мақсад фойдаланувчиларни ўз вақтида тўлиқ ҳамда аниқ молиявий ва бошқа бухгалтерия ахбороти билан таъминлашдир.

Бюджет ижроси жараёнида Давлат бюджети маблағлари ва бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари шаклланиши ҳамда сарфланишини узлуксиз ҳисобга олиш, уларни хужжатлаштириш ва ахборотларни тизимли шакллантириш учун бухгалтерия ҳисоби ташкил этилади. Бюджет ташкилоти - зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш билан боғлиқ бўлган ўз фаолиятини амалга ошириши учун Давлат бюджетидан маблағ ажратиш назарда тутилган ва бу маблағ молиялаштиришнинг асосий манбаи ҳисобланадиган вазирлик, давлат қўмитаси, идора, давлат ташкилоти<sup>2</sup>.

Бюджет ташкилотлари фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ харажатлари фақат бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилмасдан балки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сонли “Бюджет муассасаларини маблағ билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарорига асосан бюджетдан ташқари маблағлар шакллантириши белгиланган. Ушбу қарорга кўра бюджет ташкилотлари бюджетдан ташқари маблағлари шаклланиш манбаалари ва сарфлаш йўналишлари тартиби белгиланган.

Бюджет ташкилотлари бюджетдан ташқари маблағлари бўйича даромадлар ва харажатлар сметалари ижроси ҳисобини ташкил қилиш маблағларни сметалар доирасида сарфлашнинг амалдаги қонунчиликка мувофиқлигини таъминлашга хизмат қилиб, маълағлар оқимини назорат қилиш учун ахборотлар билан таъминлайди.

Бюджет ташкилотлари ҳисобварақларидаги бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобини ташкил этишдан мақсад фойдаланувчилар (ички, ташки)ни даромадлар ва харажатлар сметалари ижроси жараёнида бюджетдан ташқари

---

<sup>2</sup> “Бюджет тизими тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 2000 йил 14 декабрь.

маблағлар ҳаркати бўйича ўз вақтида, тўлиқ ҳамда аниқ бухгалтерия ва молиявий ахборотлари билан таъминлашдан иборат.

Бюджет ташкилотларида ҳисобварақлардаги бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобининг вазифалари қуйидагилардан иборат:

- ҳисобварақлардаги бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобини амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида ташкил этиш;

- бюджет ташкилотлари ҳисобварақларидаги бюджетдан ташқари маблағларни мақсадли сарфланишини таъминлаш;

- бошқа бюджетдан ташқари маблағлар бўйича муомалаларни ҳужжатлаштириш ва ҳисоб регистрларида акс эттириш;

- бюджет ташкилотлари ҳисобварақларидаги бошқа бюджетдан ташқари маблағлар туғрисидаги тўлиқ ҳамда аниқ, маълумотларни шакллантириш;

- бюджет ташкилотларининг бошқа бюджетдан ташқари маблағлар ҳисоби маълумотларини умумлаштириш ва ҳисоботларни тузиш.

Бюджет ташкилотлари ҳисобварақларидаги бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобининг алоҳида хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

Даромадлар ва харажатлар сметалари ижроси назорат қилиниши - бюджет ташкилотларида ҳар йили белгиланган тартибда бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар бўйича даромадлар ва харажатлар сметалари ҳамда штатлар жадвали тузилади ва тасдиқланади. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби даромадлар ва харажатлар сметалари ижросини таъминлаб беради. Бунда харажатларни иқтисодий тасниф асосида сметалар доирасида харажатлар молияланади ва амалга оширилади. Бюджетдан ташқари маблағлар манбаалари бўйича қуйидаги бюджетдан ташқари маблағлар: таълим муассасаларида уқитишнинг тулов контракт шакли маблағлари, бюджет ташкилотлари ривожлантириш жамгармаси маблағлари, тиббиёт муассасалари моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамгармаси маблағлари, бюджетдан ташқари бошқа махсус маблағлар бўйича даромадлар ва харажатлар сметалари тузилади ва ижроси амалга оширилади. Шунинг учун бюджет ташкилотлари бухгалтерия ҳисобини юритишда сметалар ижроси назорат қилинади.

Касса ва хакикий харажатлар ҳисобини юритилиши - бюджет ташкилотларида даромадлар ва харажатлар ижроси жараёнида касса ва хакикий харажатлар ҳисоби юритилади. Бюджет ташкилотлари томонидан газначиликдаги бюджетдан ташқари маблағлар бўйича шахсий ҳисоб рақамлардан харажатларни тулаб берилиши касса харажатлари қуринишида ҳисобда акс эттирилади. Масалан, иш хақи бўйича молиявий мажбуриятлар тўлаб берилганда, яъни тегишли солиқлар ва ажратмалар ўтказилганда ходимлар пластик карточкаларига иш хақи ўтказиб берилганда ёки кассадан берилганда касса харажати қуринишида тегишли дафтарларда, ҳисоботларда акс эттирилади. Бюджет ташкилотлари томонидан харажатлар сметалари доирасида амалга оширилган, лекин тўлаб берилмаган харажатлар хакикий харажат қуринишида ҳисобида акс эттирилади. Масалан, смета доирасида иш хақи ҳисобланган, лекин тулаб берилмаган ёки иш, хизматлар қўрсатилган, товарлар олинган, лекин тулаб берилмаган харажатлар хакикий харажат қуринишида тегишли дафтарларда, ҳисоботларда акс эттирилади. Касса ва хакикий харажатлар ҳисобини юритиш учун алоҳида 294 - шаклдаги дафтар юритилади, шунингдек, ҳисобот шаклларида ҳам акс эттирилади.

Бюджет таснифи асосида ҳисобни ташкил этилиши ва ҳисоботларни шакллантирилиши — бюджет ташкилотлари томонидан тузилган даромадлар ва харажатлар сметалари Ўзбекистан Республикаси Адлия вазирлигида 2010 йил 11 октябрда 2146-сон билан рўйхатга олинган «Ўзбекистон Республикаси Бюджет таснифини қўллаш бўйича Йўриқнома» асосида 1-гурух, 3-гурух, 3-гурух, 4-гурухлари харажатларнинг иқтисодий таснифи бўйича акс эттирилади ҳамда ижроси хақидаги бухгалтерия ҳисоботлари шаклларида ҳам бюджет харажатларининг иқтисодий таснифи бўйича ахборотлар шакллантирилади. Ҳисоб рақамдаги бюджетдан ташқари маблағлар тушуми турлар бўйича ва харажатларнинг тўланиши иқтисодий тасниф асосида амалга оширилади ва ҳисобга олинади.

Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларнинг меъёрий ҳужжатларга катъий амал қилинган ҳолда юритилиши — бюджет ташкилотларида бухгалтерия

ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботларни тузиш «Бухгалтерия ҳисоби туғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ва бошқа бир қатор қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Хукумати ҳамда Молия вазирлигининг бир қанча меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларига мувофиқ олиб борилади.

## **2.Бюджет ташкилотларида бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобини ташкил этишнинг меъёрий ҳуқуқий асослари.**

Мамлакатимизда нафақат бюджет тизими балки бухгалтерия ҳисоби соҳаси борасида фаолиятни амалга оширишнинг норматив асосини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилишга умумий раҳбарликни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан амалга оширилади. Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий ҳисоботлари, бюджет ташкилотлари бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар бўйича даромадлар ва харажатлар сметалари ижроси ҳисоботлари шакллари, уларни топшириш муддаларини Молия вазирлиги белгилайди.

Бюджет ташкилотининг раҳбари бюджетдан ташқари маблағларнинг тақсимловчиси ҳисобланади ҳамда мазкур маблағлардан мақсадли ва оқилона фойдаланиш учун жавобгардир. Бюджет маблағлари ҳисобига амалга ошириладиган ҳақиқий харажатлар тасдиқланган бюджет лимити суммасидан ошиб кетиши учун жавобгарлик бюджет ташкилоти раҳбари ва бош ҳисобчиси зиммаларига юклатилади.

Бюджетдан ташқари маблағлардан мақсадли фойдаланиш устидан назорат Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бош бошқармаси, унинг ҳудудий бошқармалари ва жойлардаги молия органлари томонидан қонунчиликка мувофиқ амалга оширилади<sup>3</sup>.

Бюджет ташкилотлари даромадлар ва харажатлар сметалари ижроси бўйича бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар бухгалтерия ҳисобини Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби туғрисида» ги Қонунига ва Ўзбекистон

---

<sup>3</sup> "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2008 йил, 24-25-сон, 242-модда

Республикаси Молия вазирлигининг услубий кўрсатмаларига ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларига мувофиқ ташкил қиладилар. Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралари, зарур ҳолларда, узларининг тизимидаги бюджет ташкилотларда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишган ҳолда бухгалтерия ҳисобининг умумий коидаларини куллаш тартиби туғрисида кўрсатмалари ишлаб чиқаришлари мумкин.

Мамлакатимиз раҳбари белгилаб берган тамойиллани ижроси бўйича барча соҳаларда бўлгани каби бухгалтерия ҳисоби соҳасида унинг барча объектлари ҳисобини ташкил этиш бўйича ҳуқуқий асослар шакллантирилган

Маълумки, бухгалтерия ҳисоби бу яхлит ва узлуксиз ҳолда ҳисобга олиш йўли билан бухгалтерия ҳисоби объектларининг ҳолати ва уларнинг ҳаракати туғрисидаги маълумотларни йиғиш, рўйхатга олиш ва умумлаштириш, шунингдек, улар асосида молиявий ва бошқа ҳисоботларни тузиш тизимини ўзида акс эттиради.

1996 йил 30 августда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби туғрисида”ги қонунига мувофиқ давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган юридик шахслар, уларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳамда ундан ташқарида жойлашган шуъба корхоналари, филиаллари, ваколатхоналари ва бошқа таркибий бўлинмалари бухгалтерия ҳисобининг субъектлари бўлса, асосий ва жорий активлар, мажбуриятлар, хусусий капитал, захиралар, даромадлар ва харажатлар, фойда, зарарлар ҳамда уларнинг ҳаракати билан боғлиқ хўжалик операциялари бухгалтерия ҳисобининг объектларидир.

Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби эса, умумий ҳолда бухгалтерия ҳисобини, шунингдек бюджет жараёнини бир қисмини ташкил қилиб, фойдаланувчиларни давлат бюджетининг ижроси туғрисидаги зарурий молиявий ахборотлар билан таъминлайди.

Амалдаги бухгалтерия ҳисоби бўйича қонунчиликка мувофиқ Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетига турадиган ташкилотларнинг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларини тартибга солиш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги



томонидан амалга оширилади. Бунда, Ўзбекистон Республикасининг вазирлик ва идоралари зарур ҳолларда, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишган ҳолда, ўз тизимидаги ташкилотларда фаолият хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларининг умумий қоидаларини қўллаш тартиби тўғрисида белгиланган тартибда меъёрий ҳужжатлар чиқаришлари мумкин.

Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботларни тузиш “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни ва бошқа бир қатор қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ҳамда Молия вазирлигининг бир қанча меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларига мувофиқ олиб борилади.

Умумий ҳолда бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини ташкил қилишнинг услубий асослари бўлмиш қонунчилик тизимини қуйидагича:

- Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини ташкил қилишнинг қонунчилик тизими;

- Ўзбекистон Республикасининг қонунлари;

- Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг қарорлари;

- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари;

- Вазирликлар, идоралар ва давлат қўмиталарининг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда ишлаб чиқилган меъёрий ҳужжатлари.

1996 йилда халқаро талабларга тўла мос равишда қабул қилинган, бюджет ижросининг ҳисоби борасида ҳам асосий таянч қонунчилик базаси ҳисобланувчи Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги қонуни бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш борасида ҳам асосий нормаларни белгилаб беради.

«Бюджет тизими тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига асосан бюджет харажатлари шу жумладан бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармаларга тўловлар харажатлари йўналишлари белгиланган.

«Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси қонунига асосан бюджет харажатлари шу жумладан бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармаларга тўловлар ягона ғазна ҳисоварақлардан амалга оширилиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сонли “Бюджет муассасаларини маблағ билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарорига асосан бюджетдан молиялаштиришда бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармаларга тўловларлар бюджет харажатлари гуруҳларига киритилдиши белгиланган. Бунда бюджет ташкилотлари ходимлари иш ҳақига нисбатан ягона ижтимоий тўлов харажатлари 2-гуруҳ харажати сифатида акс эттирилиши белгиланган.

“Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Йўриқнома (Ўз.Р АВ. томонидан 2010 йил 22 декабрда № 2169-сон билан рўйхатдан ўтган) га асосан бюджет ташкилотларида бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар билан ҳисоблашувлар ҳисобини юритиш бўйича счётлар, субсчётлар, бухгалтерия дастлабки ва йиғма ҳужжатлари ҳамда ҳисоб регистрлари икки ёқлама ёзувда акс эттириш тартиблари келтирилган. “Бухгалтерия ҳисобида ҳужжатлар ва ҳужжатлар айлануви тўғрисидаги Низом” (Ўз.Р АВ. томонидан 2004 йил 14 январда № 1297-сон билан рўйхатдан ўтган) га кўра бюджет ташкилотларида бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар билан ҳисоблашувлар ҳисобини ҳужжатлаштиришни тартибга солиш тизимлари келтирилган.

“Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан маблағ билан таъминланадиган ташкилотларнинг даврий молиявий ҳисоботларини тузиш, тасдиқлаш ҳамда тақдим қилиш бўйича қоидалар” (Ўз.Р АВ. томонидан 2011 йил 27 сентябрда № 2270-сон билан рўйхатдан ўтган) асосан бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар билан ҳисоблашувлар ҳисобига оид кўрсаткичларни ҳисобот шаклларида акс эттирилиши белгиланган.

Бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар билан ҳисоблашувлар ҳисобини юритиш механизми улар ҳисобини ташкилий, техник ва услубий жихатларини мужассамлаштирган ҳисоб сиёсати, бухгалтерия ходимлари лавозим йўриқномалари, тасдиқланган ҳужжатлар айланиш графиги ва бошқалар бюджет ташкилотлари томонидан тасдиқланади. Бухгалтерия ҳисобини юритишда юқорида келтириб утилган қонунчилик билан белгиланган меъёрларга катъий амал қилинади. Умуман бюджет ташкилотларида ҳисобини ташкилий, техник, услубий жихатлари меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларга катъий амал қилган ҳолда ташкил этилади.

### **3. Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлар ҳаракатини ҳужжатлаштириш ва ҳисоб регистрларида акс эттириш.**

Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг меъерий ҳужжатларида белгиланган ягона услубиятни қўллаб ягона тизим бўйича ташкил қилинади. Бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар бўйича харажатлар сметаларининг ижроси бухгалтерия ҳисобини икки ёқлама ёзиш тизими бўйича олиб борилади. Бюджет ташкилотларининг катта-кичиклиги, харажатлар сметаларининг ҳажми, операциялар сони ва маълумотларни ишлаш воситаларидан фойдаланилишига қараб ҳисобнинг турли шакллари (мемориал-ордер ва бош-журнал) қўлланилади.

Бухгалтерия ҳисобининг мемориал-ордер қўлланилганда айрим бошланғич ҳисоб ҳужжатлари ёки гуруҳловчи ва йиғувчи ведомостлар асосида мемориал-ордерлар тузилади ва ҳар бир ордернинг умумий суммаси рўйхатга олиш журналига ёзилади. Мемориал-ордерларнинг маълумотлари бош китобга ёки бош китобнинг ўрнини босадиган назорат ведомостига ёзилади. Бунда дебет счёти бўйича корреспонденцияланувчи кредитланувчи счётлар ҳамда кредит счёти бўйича корреспонденцияланувчи дебетланувчи счётлар кўрсатилади. Ой тугагандан кейин ҳар бир счётнинг дебети ва кредити бўйича ёзувлар жами (айланмаси) синтетик счётлар бўйича айланма ведомостга ўтказилади. Бу

ведомостнинг жами рўйхатга олиш журнали бўйича жами сумма билан солиштирилади. Мемориал-ордерларга илова қилинган ҳужжатларнинг маълумотлари бўйича аналитик ҳисоб счётлари олиб борилади; ойнинг охирида уларнинг асосида айланма ведомостлари тузилади; синтетик счётлар бўйича айланма ведомост билан солиштирилади. Синтетик счётлар бўйича айланма ведомост асосида баланс тузилади.

Текширилган ва ҳисобга олиш учун қабул қилинган ҳужжатлар санаси бўйича тартиблаштирилиб, қуйидаги доимий рақамли мемориал ордер - жамланма кайдномалар билан расмийлаш-тирилади:

1-мемориал ордер - касса операциялари бўйича жамланма кайднома, 381-сон шакл;

2-мемориал ордер - бюджет маблағларининг ҳаракатига дойр жамланма кайднома, 381-сон шакл;

3-мемориал ордер - бюджетдан ташқари маблағлар ҳаракатига дойр жамланма кайднома, 381-сон шакл;

5-мемориал ордер - иш хақи ва стипендиялар бўйича ҳисоб-китоб варақалари йигиндиси, 405-сон шакл;

6-мемориал ордер - турли ташкилотлар ва муассасалар билан олиб бориладиган ҳисоб-китоблар бўйича жамланма кайднома, 408-сон шакл;

8-мемориал ордер - ҳисобдор шахслар билан ҳисоб-китоблар бўйича жамланма кайднома, 386-сон шакл;

9-мемориал ордер - асосий воситаларнинг ҳисобдан чиқари-лиши ва жойдан-жойга кучирилиши бўйича жамланма кайднома, 438-сон шакл;

11-мемориал ордер - озик-овкат маҳсулотларининг қиримига дойр жамланма кайднома, 398-сон шакл;

12-мемориал ордер - озик-овкат маҳсулотларининг сарфига дойр жамланма кайднома, 411-сон шакл;

13-мемориал ордер - материаллар сарфига дойр жамланма кайднома, 396-сон шакл;

15-мемориал ордер - таълим муассасаларида болаларни сакла-ганлик учун ота-оналар билан олиб бориладиган ҳисоб-китоблар бўйича кайднома, 406-сон шакл.

Қолган операциялар (асосий воситаларга эскириш ҳисоблаш, асосий фондларни ҳар йилги қайта баҳрлаш, бюджетдан ташқари даромадлар ҳисоби, йилни яқунлаш операциялари ва х.к) ва «Сторно» операциялари бўйича алоҳида мемориал ордерлар тузилади (274-сон шакл) вақулар ҳар ой учун алоҳида 16 рақамдан бошлаб рақамланади.

Операциялар ҳажмига қараб жамланма кайдномаларни тузиш талаб қилинмайдиган ташкилотларда субсчётлар корреспон-денцияси алоҳида мемориал ордерларда (274-сон шакл) юқрида келтирилган доимий рақамлар берилиб кўрсатилади.

Алоҳида мемориал ордерлар операцияларнинг содир бўлишига қараб, аммо бошлангич ҳисоб ҳужжатлари олингандан кейинги кундан кечиктирмасдан айрим ҳужжатларга ёки бир хилдаги ҳужжатларнинг бир гуруҳи асосида тузилади. Субсчётлар коррес-понденцияси мемориал ордерларда икки ёқлама ёзув қоида-сига мувофиқ ёзиб борилади.

Мемориал ордерлар бош ҳисобчи (ёки унинг уринбосари) ва ижрочи (ҳисобчи) томонидан имзоланади. Барча мемориал ордерлар 308-сон шаклдаги «Бош-журнал китоби»да руйхатга олинади. «Бош-журнал китоби» ҳар бир субсчёт бўйича юритилади. «Бош-журнал китоби» утган йилдаги яқунловчи балансга мувофиқ йил бошига қолган қолдиқ суммаларни қучириб ёзиш билан очилади. Бу дафтарга ёзувлар мемориал ордерлар ва мемориал ордер — жамланма кайдномалар тузилгандан кейин ойига бир марта ёзилади.

Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобининг асосий вазифаси ҳисоб ва ҳисобот тизимини яхшилаш, аввало ҳисобни марказлаштириш ва маълумотларни ишлашнинг электрон тизимини қўллаш ҳисобланади.

Ҳисоб регистрларида ёзувлар бухгалтерия ҳужжатлари асосида қилинади. Хўжалик операцияларининг бухгалтерия ҳисоби учун операцияларни амалга оширилганлигини ва уларни амалга оширишга берилган фармойишларни қайд

қилган бошланғич ҳисоб ҳужжатлари асос бўлади. Бошланғич ҳисоб ҳужжатлари хўжалик операциялари оширилаётган вақтда ёки улар амалга оширилгандан сўнг тузилади. Бюджет ташкилотларида турли хил бухгалтерия ҳужжатлари қўлланилади. Уларнинг айримлари намунавийдир. Аммо айрим бухгалтерия ҳужжатлари бюджет ташкилотлари учун махсус ишлаб чиқилгандир.

Бухгалтерия ҳисобининг тезкорлигини, ишончлигини таъминлаш учун ҳужжат маълум хўжалик операциясини тавсифлайдиган ишончли маълумотларга эга бўлиши керак. Ҳар бир ҳужжат ўзининг тайинланишига тўла жавоб бериши учун у маълум реквизитларга эга бўлиши керак. *Бошланғич ҳужжатнинг реквизитлари* – бу ҳужжатда қайд қилинган хўжалик операциясини тавсифлайдиган ва унга юридик куч берадиган кўрсаткичлардир. Бошланғич ҳужжатлар юридик кучга эга бўлиши учун улар қуйидаги реквизитларга эга бўлиши керак: ташкилотнинг номи; ҳужжатнинг номи ва рақами; у тузилган сана ва жой; хўжалик операциясининг номи, мазмуни ва миқдори (натура ва пул ифодасида); хўжалик операцияси амалга оширилганига ва унинг тўғри расмийлаштирилишига жавобгар шахсларнинг шахсий имзолари; шахсий имзолар ва уларнинг имзо чекувчиларнинг лавозимлари ва фамилиялари. Бошланғич ҳисоб ҳужжатларини тузган ҳамда имзолаган шахслар уларнинг ўз вақтидалигига ва тўғрилигига, ишончилигига, шунингдек бухгалтерия ҳисобида акс эттириш учун уларнинг белгиланган муддатларда топширилишига жавобгардирлар.

Бошланғич ҳужжатларда ёзувлар сиёҳ билан, шарикли ручка пастаси билан, кимёвий қалам билан ёки турли техник воситалар ёрдамида амалга оширилади. Бошланғич ҳужжатлардаги бўш қаторлар чизиб чиқилади. Бошланғич ҳужжатларда қириш ва изоҳланмаган тузатишлар қилишга йўл қўйилмайди. Бошланғич ҳужжатлардаги хатоларни, нотўғри ёзилган матнни ёки суммани устидан чизиб ва чизилганнинг устига тўғри матнни ёки суммани ёзиш йўли билан тўғриланади. Устидан ингичка чизиқ билан шундай чизиладики, кейинчалик аввал ёзилганни ўқиш мумкин бўлсин. Бошланғич ҳужжатдаги хатони тузатиш «тузатилган» деган ёзув билан изоҳланиши ва тузатилган сана кўрсатилган ҳолда ҳужжатни имзолаган шахсларнинг имзолари билан тузатилганлиги тасдиқланган бўлиши керак. Касса ва банк

хужжатларида тузатишлар қилишга йўл қўйилмайди. Бухгалтерияга тушган бошланғич хужжатлар албатта шакл бўйича бошланғич хужжатларнинг расмийлаштирилишини, реквизитлар тўлдирилганлигининг тўлалиги ва тўғрилиги ҳамда мазмуни бўйича хужжатлаштирилаётган операцияларнинг қонунийлиги, айрим олинган кўрсаткичларнинг мантқан ўзаро боғлиқлиги текширилади. Хужжатлардаги маълумотларнинг ишончилигига, бошланғич хужжатларнинг ўз вақтида ва сифатли тузилганлигига ушбу хужжатларни тузган ва имзолаган шахслар жавоб берадилар. Кириш ва чиқим касса ордерларига илова қилинган барча хужжатлар, шунингдек, меҳнат ҳақи ҳисоблаш учун асос бўлиб хизмат қилувчи хужжатлар албатта «Олинди» ёки «Тўланди» деган штамп ёки уни қўлда ёзиб сана(кун, ой, йил)ни кўрсатилиб ёпилади.

Мемориал ордердаги сумма дастлаб «Ордер бўйича сумма» каторига, кейин эса, тегишли субсчётларнинг дебети ва кредитига ёзилади. Барча субсчётлар бўйича ойлик айланмалар суммаси дебетда ҳам кредитда ҳам «Ордер бўйича сумма» каторининг жамига тенг булиши керак. Ойлик айланмалардан кейинги иккинчи каторда хар бир субсчёт бўйича келгуси ойнинг бошига қолдиқ чиқарилади.

Бюджет ташкилотларида бухгалтерия баланси бу ташкилот маблағларини уларни турлари ва ташкил топиш манбаалари бўйича муайян бир даврга пулда ифодаланиб умумлаштириб акс эттириш ва иқтисодий гуруҳлашдир. Бюджет ташкилотлари баланси таркиби актив ва пассив қисмлардан иборат булиб, актив томони номолиявий активлар, молиявий активлар, дебиторлар булимларидан иборат. Балансни пассив томони кредиторлар, молиявий натижалар булимларидан иборат<sup>4</sup>.

Бюджет ташкилотининг даромадлар ва харажатлар сметалари ижроси бўйича бухгалтерия балансининг схематик кўриниши.

АКТИВ		ПАССИВ	
Бўлим		Бўлим	

<sup>4</sup> Бюджет ҳисоби. С.У.Мехмонов”Фан ва технология” нашриёти. Тошкент 2012 й.

I	Номолиявий активлар		IV	Кредиторлар
II	Молиявий активлар		V	Молиявий
III	Дебиторлар			
	БАЛАНС			БАЛАНС
Бюджетдан ташқари ҳисоблар				

#### 4. Ҳисобварақлардаги бюджетдан ташқари маблағларнинг аналитик ва синтетик ҳисоби<sup>5</sup>.

Ғазначиликда бюджет ташкилотларининг қуйидаги бюджетдан ташқари маблағлари бўйича ҳисобварақлари очилиши мумкин:



#### 2.2.1- чизма. Ҳисобварақлардаги бюджетдан ташқари маблағлар<sup>6</sup>.

Бюджет ташкилотларида “Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Йўриқноманинг 25-иловасига кўра ҳисобварақлардаги бюджетдан ташқари маблағлар қуйидаги ҳисобварақларда ҳисобга олинади:

414-сонли қарорга мувофиқ бюджет ташкилотларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари Молия вазирлигининг Ғазначилиги ва унинг ҳудудий

<sup>5</sup> Ушбу режани ёритишда бухгалтерия ўтказмалари жадваллари “Бюджет ҳисоби”. С.У.Мехмонов “Фан ва технология” нашриёти. Тошкент 2012 й. Китоби маълумотларидан фойдаланилган.

<sup>6</sup> Тегишли адабиётлар асосида муаллиф томонидан мустақил тузилди.



бўлинмаларида очилган ҳисоб рақамларида ҳисобот чорагининг охириги иш куни охирида бюджет маблағлари бўйича тежаб қолинган маблағлар, фаолияти турига мувофиқ товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотишдан олинган даромадлар, балансида бўлган давлат мулкани ижарага беришдан қонун ҳужжатларига мувофиқ олинган маблағларнинг бир қисми, юридик ва жисмоний шахслар томонидан бериладиган ҳомийлик ёрдами (беғараз ёрдам) ҳисобидан шакллантирилаши белгиланган. Шунингдек ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобига биринчи навбатда кредиторлик қарзларни тугатиш, моддий техника баъзасини мустаҳкамлаш, ходимларни моддий рағбатлантиришга йўналтирилиши белгиланган. Таълим муассасасининг махсус маблағлари бўйича бошқа тушумлар яъни иккиламчи хом ашёни топширишдан тушган тушумлар, кераксиз ва эскирган моддий қийматликларни (бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига олинганларини) сотишдан тушган тушумлар, қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа тушумлар ҳисобидан.

Тиббиёт муассасаларида тиббиёт муассасаларини моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси маблағлари қонунчиликка мувофиқ тегишли манбаалар ҳисобига шаклланади ва улар ҳисобига харажатлар амалга оширилади.

Таълим муассасаларида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1999 йил 6 августда 795 - сон билан рўйхатдан ўтган “Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шакли ва тушган маблағларни тақсимлаш тартиби ҳақида” Низомга кўра ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан маблағлар тушуми амалга оширилади ва ҳисобига харажатлар амалга оширилади.

Бюджет ташкилотларининг махсус маблағлари бўйича бошқа тушумлар иккиламчи хом ашёни топширишдан тушган тушумлар, кераксиз ва эскирган моддий қийматликларни (бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига олинганларини) сотишдан тушган тушумлар, қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа тушумлар ҳисобидан шаклланади ва улар ҳисобига харажатлар амалга оширилади.

Мактабгача таълим муассасаларида белгиланган тартибда ота - оналардан

маблағлар тушуми ва улар ҳисобига харажатлар амалга оширилади.

Ажратмалар ҳисобига шаклланадиган вазирлик ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармалари шаклланади ва улар ҳисобига белгиланган тартибда харажатлар амалга оширилади. Булардан ташқари бюджет ташкилотларида транзит маблағлари (Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан бюджет ташкилотлари ходимларининг ижтимоий тўловларини қоплаш учун келиб тушган маблағлар, Ўтган йиллар дебиторлик суммаларини келиб тушиши ва бошқалар) тушуми ва ҳисобдан чиқарилиши амалга оширилади (2.3.2-чизма).



### 2.2.2.-чизма. Бюджетдан ташқари маблағлар манбалари<sup>67</sup>.

<sup>67</sup> Бюджет ҳисоби. С.У.Мехмонов "Фан ва технология" нашриёти. Тошкент 2012 й.

Бюджет ташкилотлари юқорида келтирилган манбаалар бўйича ҳисобварақлардаги бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобини юритади. Яъни ҳар бир манба бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақлар белгиланган тартибда молия органлари томонидан очилади ва ғазна дастурига киритилади.

Молия органлари томонидан бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари учун ҳисобварақлари қуйидаги ҳужжатлар асосида очилади:

а) молия органи раҳбари ёки унинг ўрнини босувчи шахснинг рухсат берувчи ёзуви қўйилган бюджетдан маблағ олувчининг аризаси.

Агар, бюджетдан маблағ олувчи бир вақтнинг ўзида юридик шахс мақомига эга бўлмаган, қуйи бюджетдан маблағ олувчилар учун бюджет маблағларини тақсимловчи бўлса, тегишли шахсий ҳисобварақлар очиш учун бир нусхада ариза, унга илова қилиб хизмат кўрсатиладиган қуйи бюджетдан маблағ олувчиларнинг рўйхати тақдим этилади.

б) бюджетдан ташқари маблағларнинг тушумлари ва харажатлари лимити кўрсатилган (тушумлари ва маблағларнинг харажат қилиниш йўналишлари лимитланмаган бюджетдан ташқари маблағлари бундан мустасно) тегишли смета харажатларининг нусхаси.

Бунда, юридик шахс мақомига эга бўлмаган, қуйи бюджетдан маблағ олувчилар харажатларининг ўрнатилган тартибда ҳисобини юритувчи ва хизмат кўрсатувчи бюджетдан маблағ олувчилар учун, хизмат кўрсатилаётган қуйи бюджетдан маблағ олувчиларнинг бюджетдан ташқари харажатлари ҳисобини юритиш учун (бюджет таснифи харажатларининг ҳар бир параграфи бўйича тузилган умумий харажатлар сметаси асосида) ҳисобварақлар очилади.

Бюджетдан маблағ олувчиларнинг бюджетдан ташқари маблағлари учун ҳисобварақлар очиш учун илгари бюджет маблағлари бўйича ҳисобварақларни очиш учун тақдим этилган имзо намуналари карточкалари ишлатилади.

Ғазначилик бўлинмалари ҳужжатларни тақдим этган кундан бошлаб икки иш куни давомида шахсий ҳисобварақлар очади.

Бюджетдан ташқари маблағлар бўйича юридик ва молиявий мажбуриятларнинг қабул қилиниши, шунингдек бюджетдан ташқари

маблағларнинг касса харажатлари келиб тушган бюджетдан ташқари маблағлар доирасида амалга оширилади ва бюджет маблағлари каби бир хил тартибда расмийлаштирилади.

Ғазна ижросига ўтмаган бюджет ташкилотлари бюджетдан ташқари маблағлар манбалари бўйича банкда алоҳида ҳисобварақлар очади ва юритади.

Бюджет ташкилотларига ғазначилик бўлимлари томонидан бюджет ташқари маблағлари бўйича шахсий ҳисобварақда муомала амалга ошрилган кун учун кўчирмалар тақдим этилади.

Кўчирмалар бюджетдан ташқари маблағлар манбалари шахсий ҳисобварақлар бўйича алоҳида алоҳида бюджет ташкилотларига берилади. Ушбу кўчирмаларга асосан бюджет ташкилотлари бухгалтериясида тегишли бухгалтерия ёзувлари берилиб 3-мемориал ордер – бюджетдан ташқари маблағларнинг ҳаракатига доир жамланма қайднома 381-шакл расмийлаштирилади. 3-мемориал ордерга асосан ёзувлар 308 –сон шаклдаги Бош журнал китобига туширилади. 308-сон шаклдаги бош журнал китобидан тегишли ҳисобот шакллари расмийлаштирилади.

Бухгалтерия ҳисобида ҳисобварақлардаги бюджетдан ташқари маблағлар ҳисоби 11 “Ҳисобварақлардаги бюджетдан ташқари маблағлар” счётида қуйидаги субсчётларда юритилади:

110 “Тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблардан тушган маблағлар”;

111 “Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар”;

112 “Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари”;

113 “Бошқа бюджетдан ташқари маблағлар”;

114 “Бюджет ташкилотининг вақтинча ихтиёрида бўладиган маблағлар”;

115 “Валюта ҳисобварағи”;

119 “Бошқа ҳисобварақлардаги пул маблағлари”.

110 “Тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблардан тушган маблағлар” субсчётида ташкилотларнинг ҳисобварақларига кирим қилинган

таълим муассасаларидаги болаларнинг ота-оналари томонидан тўланадиган бадаллари, шунингдек овқатланганлиги учун ходимлардан тушган маблағлари ҳисобга олинади. Бу субсчётнинг дебет томонида таълим муассасаларидаги болаларнинг ота-оналари томонидан тўланадиган бадаллари, шунингдек овқатланганлиги учун ходимлардан тушган маблағларни кирими, кредит томонида маблағларни сарфланиши, ҳисобдан чиқарилиши акс эттирилади.

### Бухгалтерия ўтказмалари:

№	Муомалалар мазмуни	Дт	Кт	Асос бўлувчи ҳужжат
1	Таълим муассасаларида болаларнинг ота-оналари томонидан бадалларни келиб тушиши	110	156	Шахсий ҳисобварақ дан кўчирма
2	Таълим муассасаларида болаларнинг ота-оналаридан бадал шаклида тушган маблағлар ҳисобига сотиб олинган материаллар, иш ва хизматлар учун тўлов ўтказиб берилганда	150, 159	110	Шахсий ҳисобварақ дан кўчирма
3	Таълим муассасаларида болаларнинг ота-оналари томонидан ортиқча келиб тушган бадалларни қайтарилиши	156	100	Шахсий ҳисобварақ дан кўчирма

111 “Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар” субсчётида ташкилотлар томонидан ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар ҳисобга олинади. Бу субсчётнинг дебет томонида

Таълим муассасаларида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1999 йил 6 августда 795 - сон билан рўйхатдан ўтган “Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шакли ва тушган маблағларни тақсимлаш тартиби ҳақида” Низомга кўра ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан маблағлар тушуми кредит томонида бу маблағларни сарфланиши, ҳисобдан чиқарилиши акс эттирилади.

### Бухгалтерия ўтказмалари:

№	Муомалалар мазмуни	Дт	Кт	Асос бўлувчи хужжат
1	Олий таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов контракт шаклидан маблағлар тушумига	111	175	Шахсий ҳисобварақ дан кўчирма
2	Олий таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов контракт шаклидан маблағлар тушумини даромадга ўтказилиши (биринчи ярим йиллиш учун йиллик тўловни 50% 15 сентябрь ҳолатига, иккинчи ярим йиллиги учун 1 март ҳолатига 50%)	175	252	Бухгалтерия маълумотно маси
3	Ўқитишнинг тўлов контракт шаклидан тушган маблағлар ҳисобига кредиторлик мажбуриятлар тўлаб берилганда	15,16,17 счётлар нинг тегишли субсчётл	111	Шахсий ҳисобварақ дан кўчирма

		ари		
4	Ўқитишнинг тўлов контракт шаклидан ортиқча тушган маблағлар қайтарилганда	175	111	Шахсий ҳисобварақ дан кўчирма

112 “Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари” субсчётида қонунчиликда белгиланган тартибда ташкилотларнинг ривожлантириш жамғармаси бўйича даромадлар ва тушумлари, шунингдек тиббиёт муассасаларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси маблағларининг ҳисоби юритилади. Бу субсчётнинг дебет томонида бюджет ташкилотлари фаолият турига мос маҳсулот(иш ва хизматлар) сотишдан тушумлар, ижара тушимлари, хомийлик маблағлари тушуми, йил якунига кўра бюджет маблағлари бўйича иқтисод қилиб қолинган маблағни ривожлантириш жамғармасига ўтказилиши акс эттирилади кредит томонида ушбу маблағлар ҳисобига амалга оширилган харажатлар, ҳисобдан чиқарилиши акс эттирилади.

#### **Бухгалтерия ўтказмалари:**

№	Муомалалар мазмуни	Дт	Кт	Асос бўлувчи ҳужжат
1	Бюджет ташкилотларига фаолият турига мос маҳсулот(иш ва хизматлар)ни сотишда ҳақиқий таннарҳи акс эттирилиши	200	050 ёки 090	Юк ҳати, бухгалтерия маълумотно маси
2	Бюджет ташкилотларига фаолият турига мос маҳсулот(иш ва хизматлар)ни сотишда шартнома баҳосида акс эттирилиши	152	200	Юк ҳати
3	Бюджет ташкилотларига фаолият	112	152	Шахсий

	турига мос маҳсулот(иш ва хизматлар)ни сотишдан маблағ келиб тушганда			хисобварақ дан кўчирма
4	Сотилган маҳсулот(иш ва хизмат)дан ижобий молиявий натижа акс эттирилганда	200	262	Бухгалтери я маълумотно маси
5	Сотилган маҳсулот(иш ва хизмат)дан ижобий молиявий натижа акс эттирилганда	261	200	Бухгалтери я маълумотно маси
6	Бюджет ташкилотларида вақтинча фойдаланимаётган бинолар, бошқа асосий воситалар ижарасидан тушимлар	112	159 ёки 262	Шахсий хисобварақ дан кўчирма
7	Ҳомийлик маблағлари тушуми акс эттирилганда	112	262	Шахсий хисобварақ дан кўчирма
8	Йил якунига кўра бюджет маблағлари бўйича иқтисод қилиб қолинган маблағлар ривожлантириш жамғармасига ўтказилганда	112	232	Шахсий хисобварақ дан кўчирма
9	Ривожлантириш жамғармаси маблағлари кредиторлик қарздорликларни тугатишга йўналтирилганда	15,16,17 счётларнинг тегишли субсчётлари	112	Шахсий хисобварақ дан кўчирма



113 “Бошқа бюджетдан ташқари маблағлар” субсчётида ташкилотларнинг эскирган ва кераксиз моддий қимматликларни сотишдан, шунингдек, турли хил жарималар ва пенялардан ҳамда бошқа қонунчиликда тақиқланмаган тушумлар бўйича маблағлари ҳисобга олинади. Бу счётнинг дебет томонида иккиламчи хом ашёни топширишдан тушган тушумлар, кераксиз ва эскирган моддий қийматликларни (бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига олинганларини) сотишдан тушган тушумлар, бошқа тушимлар суммаси, кредит томонида бу маблағларни сарфланиши, ҳисобдан чиқарилиши акс эттирилади.

**Бухгалтерия ўтказмалари:**

№	Муомалалар мазмуни	Дт	Кт	Асос бўлувчи хужжат
1	Иккиламчи хом ашёни топширишдан тушган тушумлар, кераксиз ва эскирган моддий қийматликларни (бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига олинганларини) сотишдан тушган тушумлар суммасига	113	152	Шахсий ҳисобварақдан кўчирма
2	Иккиламчи хом ашёни топширишдан тушган тушумлар, кераксиз ва эскирган моддий қийматликларни сотишдан тушган маблағлар ҳисобига кредиторлик қарзлар тўлаб берилганда	15,16,17 счётларнинг тегишли субсчётлари	113	Шахсий ҳисобварақдан кўчирма

114 “Бюджет ташкилотининг вақтинча ихтиёрида бўладиган маблағлар” субсчётида ташкилотнинг ихтиёрига вақтинчалик тушган ва маълум шартлар бажарилгандан кейин қайтарилиши ёки тегишли ҳисобварақларга ўтказилиши

лозим бўлган маблағлар ҳисобга олинади. Бу счёт асосан суд, прокуратура, бошқа ҳуқуқни ҳимоя қилувчи органларида кўпроқ қўлланилади. Бу счётни дебет томонида ташкилотнинг ихтиёрига вақтинчалик тушган маблағлар суммалари, кредит томонида бу маблағларни қайтарилиши акс этирилади.

**Бухгалтерия ўтказмалари:**

№	Муомалалар мазмуни	Дт	Кт	Асос бўлувчи ҳужжат
1	Ташкилотнинг ихтиёрига вақтинчалик тушган маблағлар суммаларига	114	155	Шахсий ҳисобварақ дан кўчирма
2	Ташкилотнинг ихтиёрига вақтинчалик тушган маблағлар қайтарилганда ёки ўтказиб берилганда	155	114	Шахсий ҳисобварақ дан кўчирма

Ушбу суммаларнинг аналитик ҳисоби 292-сон шаклдаги жорий ҳисоблар ва ҳисоб-китоблар дафтарида (карточкасида) олиб борилади.

119 “Бошқа ҳисобварақлардаги пул маблағлари” субсчётида ташкилотларнинг ҳисобварақларига давлат ижтимоий суғуртаси бўйича харажатларни тўлаш учун Пенсия жамғармасининг ҳудудий бўлинмаларидан кирим қилинган маблағлар ва бошқа пул маблағлари ҳисобга олинади. Бу счётнинг дебет томонида Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан бюджет ташкилотлари ходимларининг ижтимоий тўловларини қоплаш учун келиб тушган маблағлар ва бошқа маблағлар тушуми кредит томонида бу маблағларни сарфлариши ёки ҳисобдан чиқарилиши акс этирилади.

**Бухгалтерия ўтказмалари:**

№	Муомалалар мазмуни	Дт	Кт	Асос бўлувчи хужжат
1	Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан бюджет ташкилотлари ходимларининг ижтимоий тўловларини қоплаш учун келиб тушган маблағлар	119	163	Шахсий ҳисобварақ дан кўчирма
2	Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан бюджет ташкилотлари ходимларининг ижтимоий тўловларини қоплаш учун келиб тушган маблағлар ташкилот кассасига тарқатиш учун олинганда	120	119	Шахсий ҳисобварақ дан кўчирма

**5. Бошқа бюджетдан ташқари маблағлар ҳаракати бўйича ҳисоботни тузиш тартиби.**

Бюджет ташкилотларда бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар ижроси бўйича ойлик, чораклик ва йиллик молиявий ҳисоботларни тузиш ва тақдим қилиш «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан маблағ билан таъминланадиган ташкилотларнинг даврий молиявий ҳисоботларини тузиш, тасдиқлаш ҳамда тақдим қилиш бўйича қоидалар»га (Уз.Р АВ. томонидан 2011 йил 27 сентябрда № 2270-сон билан руйхатдан утган) асосан тартибга солинади.

Йиллик молиявий ҳисоботлар ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 январь ҳолатига тузилади. Чораклик молиявий ҳисоботлар ҳисобот йилининг 1 апрель, 1 июль ва 1 октябрь ҳолатига, ойлик молиявий ҳисоботлар ҳисобот ойдан кейинги ойднинг биринчи санаси ҳолатига тузилади. Ташкилотлар сет, штат ва

контингентлар режаларини бажарилиши туғрисидаги ҳисоботларни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган шаклларга мувофиқ тузиб топширадилар. Амалдаги қонунчиликка мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилмаган ҳолда молиявий ҳисоботлар шаклларига узгартиришлар киритишга йул қўйилмайди.

Бюджет ташкилотлари томонидан ҳисобварақлардаги бюджетдан ташқари маблағлар ҳаракати бўйича қуйидаги йиллик ва чораклик молиявий ҳисоботлар тақдим этилади:



#### **2.4.1.-чизма. Ҳисобварақлардаги бюджетдан ташқари маблағлар ҳаракати бўйича йиллик ва чораклик молиявий ҳисоботлар.**

Жумладан, **бошқа бюджетдан ташқари маблағлар ҳаракати бўйича ҳисобот шакли** ташкилотларнинг қуйидаги бюджетдан ташқари маблағларининг ҳаракати туғрисидаги маълумотларни умумлаштириш ва таҳлил қилиш учун мўлжалланган:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг ижтимоий нафақаларни тўлаш учун маблағлари;

- ўтган йиллар дебиторлик қарзларининг тушган суммаси;

- мактабгача таълим муассасаларида болалар таъминоти учун ота-оналардан тушумлар;

- мактабдан ташқари муассасаларда болалар таъминоти учун ота-оналардан тушумлар (муסיқа ва санъат мактаблари);

- ходимлардан, улар ишлаётган жойида овқатланганлиги бўйича ҳисоб-китоблардан тушадиган тушумлар;

- мактаб-интернатлар ва лицейларда болаларнинг таъминоти учун ота-оналардан тушумлар;

- ажратмалар ҳисобига шаклландиган вазирлик ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармалари;

- умумтаълим муассасаларида дарсликлар ижараси тўловидан тушган бюджетдан ташқари маблағлар;

- капитал қўйилма маблағлари бўйича депозитлар;

- турғун даволаш-профилактика муассасаларида даволанаётган беморлардан овқатланиш учун ундириладиган тўловлар;

- бошқа таълим муассасаларида болалар таъминоти учун ота-оналар тўлови;

- бюджет ташкилотларининг бошқа бюджетдан ташқари маблағлари;

- грантлар, инсонпарварлик ёрдами ва техник кўмаклашиш воситалари;

- кредитлар.

Ҳисоботни тузишдан олдин ташкилотлар:

- ❖ ҳисобот чораги мобайнидаги барча мазкур бюджетдан ташқари маблағларининг шаклланиш манбаларига ва сарфланишига доир бирламчи ҳужжатларни тўлиқлигини;

- ❖ ҳисоб рақамлардан олинган кўчирмаларни ва бошқа тегишли ҳисоб регистрларини текшириб чиқадилар.

- ❖ “Йил бошига маблағ қолдиғи” устуни бўйича ташкилотлар ҳисобот шаклида келтирилган барча бюджетдан ташқари маблағлар бўйича ҳисобот йилининг биринчи санасига бўлган мавжуд қолдиқ маблағларни акс эттирадилар.

❖ “Ҳисобот даврида тушган даромадлар (тушумлар) – жами” устуни бўйича ҳисобот шаклида келтирилган барча бюджетдан ташқари маблағларнинг турлари бўйича алоҳида ҳолда ҳисобот даврида ташкилотнинг ҳисобварақларига келиб тушган тушумларни акс эттирадilar.

❖ “Харажатлар ёйилмаси” бўлими бўйича мазкур бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан ҳисобот даврида амалга оширилган касса ва ҳақиқий харажатларни харажатлар иқтисодий таснифининг харажатлар моддаси, кичик моддаси ва элементлари бўйича ҳар бир бюджетдан ташқари маблағларнинг турлари бўйича алоҳида ҳолда акс эттирадilar.

Ҳисобот харажатлар ёйилмасида мазкур бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан ҳисобот даврида амалга оширилган касса ва ҳақиқий харажатларни харажатлар иқтисодий таснифининг харажатлар моддаси, кичик моддаси ва элементлари бўйича ҳар бир бюджетдан ташқари маблағларнинг турлари бўйича алоҳида ҳолда акс эттирадilar. Ушбу ҳисобот шакли ташкилотлар томонидан ҳар чоракда ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 10-санасига қадар топширилади.

Ҳисобварақлардаги бюджетдан ташқари маблағлар ҳаракати тўғрисидаги йиллик ва чораклик молиявий ҳисоботларга тушунтириш хати илова қилинади. Ушбу тушунтириш хатида бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар ижроси жараёнида вужудга келган асосий омиллар, жумладан, бюджетдан ажратилган маблағларни иқтисод қилинишининг сабаблари, дебиторлик ва кредиторлик қарзларнинг вужудга келиш сабаблари ва даври, агарда муддати ўтган қарздорликка йўл қўйилган бўлса, ундириш бўйича қурилган чоралар, қонунчиликка мувофиқ ташкилотларга солиқ ва бошқа мажбурий туловлар бўйича берилган имтиёзлар натижасида бўшаб қолган маблағлар ва уларнинг сарфланиши тўғрисидаги маълумотлар ва молиявий ҳисоботлар билан боғлиқ булган бошқа тушунтиришлар келтирилади.

Ҳисобварақлардаги бюджетдан ташқари маблағлар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот шакллари «Бош-журнал китоби» (308-шакл) ва бошқа тегишли ҳисоб регистрлари маълумотлари асосида тузилади. Ҳисобот шаклларининг манзил (уст) қисми қуйидаги тартибда тўлдирилади:

- ❖ «Ташкилот номи» реквизитида ташкилотнинг тўлиқ номи кўрсатилади;
- ❖ «Булим, кичик булим, боб» реквизитида ташкилотнинг бюджет таснифининг вазифавий ва ташкилий жихатдан булиниши (белгиланиши) келтирилади;
- ❖ «Ҳисобот даври» реквизитида ҳисобот тузилаётган тегишли давр (йил, чорак, ой) кўрсатилади;
- ❖ «Бюджет тури» реквизитида ташкилот томонидан ҳисобот берилаётган маблағнинг манбаси Ўзбекистон Республикаси бюджет таснифига мувофик, маблағлар манбаси ва бюджетлар даражаси таснифининг кодлари келтирилади;
- ❖ «Ўлчов бирлиги» реквизитида ҳисобот тузилаётган ўлчов бирлиги келтирилади.

Ҳисобварақлардаги бюджетдан ташқари маблағлар ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботларни тузишда куйидаги асосий шартлар тўлиқ сақланиши лозим:

- ❖ ҳисобот давридаги молиявий активлар юзасидан содир бўлган барча операциялар бўйича ҳисоб-китоблар натижаларининг тўлиқ акс эттирилиши;
- ❖ аналитик ҳисоб маълумотларининг ҳисобот даврининг биринчи санасига синтетик ҳисоб юритиш ҳисобварақлари бўйича айланмалар ва қолдиқлар билан бир хил булиши, шунингдек, молиявий ҳисоботлар маълумотларининг синтетик ва аналитик ҳисоб маълумотларига мослиги;
- ❖ молиявий ҳисоботлардаги тегишли ёзувларни кайд этиш учун белгиланган тартибда расмийлаштирилган бирламчи ҳужжатларнинг асос бўлиб хизмат қилиши.

Ушбу асосий шартларга риоя қилинмаган ҳолда тузилган молиявий ҳисоботлар нотўғри тузилган деб ҳисобланади. Агарда, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларини бузмаган ҳолда молиявий ҳисоботлар кўрсаткичлари манфий қолдиқ билан чиқса (манфий қолдиққа эга бўлса), у ҳолда ҳисоботларда ушбу кўрсаткичлар «минус» ишора билан акс эттирилади.

## ХУЛОСА

Бюджет ижросининг Ғазначилик тизими жорий қилиниши, бюджетдан маблағ олувчиларнинг бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлари бўйича ҳисобварақлари Ғазначиликка қамраб олинниши билан нафақат бюджет маблағлари балки, бюджет ташкилотлари бюджетдан ташқари маблағларидан фойдаланишнинг муҳим сифат босқичи юзага келди. Бюджет ташкилотлари бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлари бўйича сметалари доирасида харажатларни амалга ошириб ушбу харажатларни молиялаштириш бевосита ташкилотнинг кўрсатмасига кўра Ғазначиликда очилган бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар бўйича шахсий ҳисобварақлар орқали амалга оширилади.

Бюджет ташкилотлари ҳисобварақлардаги бошқа бюджетдан ташқари маблағларнинг келиб тушиши ва улардан фойдаланишни тўғри амалга ошириш ва уларни назорат қилиш учун улар бўйича ҳисоб ишлари тўғри ва аниқ ташкил этилиши талаб этилар экан. Ҳисобварақлардаги бошқа бюджетдан ташқари маблағлар ҳаракати ҳисоби маблағларнинг амалдаги норматив хужжатлар талаблари доирасида шаклланиши ва сарфланишини таъминлашда муҳим ва ишончли ахборотлар билан таъминлаш воситаси ҳисобланар экан.

Бюджет ташкилотлари ҳисобварақлардаги бюджетдан ташқари маблағлар, жумладан бошқа бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобини юритишда қуйидаги жиҳатларга эътибор қаратиш лозим бўлади:

- ҳисоб ишларини ташкил этишда объектларни тўғри аниқлаб олиш;
- бюджетдан ташқари маблағлар тушумини турлар бўйича бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақларида тўғри акс эттириш;
- бошқа бюджетдан ташқари маблағлар бўйича ҳисобварақларни очиш ва уларни юритиш қоидаларига амал қилиш;
- маблағларни сметаларда белгиланган мақсадларгагина йўналтириш;
- ҳисобварақлардаги бошқа бюджетдан ташқари маблағлар ҳаракатини фақат бошланғич хужжатлар асосида ҳисобга олиш;



- ҳисобварақлардаги маблағлар қолдиғини назорат қилиб бориш учун хужжатлар айланиш графигига амал қилиш;
- ҳисобварақлардаги бошқа бюджетдан ташқари маблағлар ҳаракати бўйича ҳисоботларни тузишда ҳисобот маълумотларининг ҳисоб регистрлари ва ҳисоб шакллари кўрсаткичларига мувофиқлигини назорат қилиб бориш.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

#### **Асосий адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 30 августдаги «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни, № 279-І сонли.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 26 августдаги «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида»ги Қонуни, № 664-ІІ сонли.
3. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрдаги «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонуни, № 158- ІІ сонли
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сонли “Бюджет муассасаларини маблағ билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарори.
4. “Давлат мулкни ижарага бериш тартиби тўғрисида” Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 8 апрелдаги 102-сон қарори билан тасдиқланган.
5. “Давлат бюджетининг ғазна ижроси қоидалари” ЎЗР АВ. томонидан 2009 йил 16 сентябрда № 2007 - сон билан рўйхатдан ўтган;
6. “Бюджетдан маблағ олувчиларнинг шахсий ҳисобварақларини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигида ва унинг ҳудудий бўлимларида юритиш қоидалари” ЎЗР АВ. томонидан 2007 йил 5 декабрда №1746 сон билан рўйхатдан ўтган;
7. “Бухгалтерия ҳисобида хужжатлар ва хужжатлар айлануви тўғрисидаги Низом” ЎЗ.Р АВ. томонидан 2004 йил 14 январда № 1297-сон билан рўйхатдан ўтган;
8. “Маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида”ги Низом (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 феврал 54-сонли Қарори билан тасдиқланган).

9. “Бюджет ташкилотларининг даромадлари ва харажатларининг бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Низом Ўз.Р АВ. томонидан 2008 йил 16 июнда № 1828-сон билан рўйхатдан ўтган.

10. “Бюджет ташкилотлари томонидан товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотиш тартиби” Ўз.Р АВ. томонидан 2000 йил 25 январда № 880-сон билан рўйхатдан ўтган;

11. “Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетини тузиш ва ижро этиш қоидалари” ЎзР АВ. томонидан 2002 йил 14 мартда № 1111- сон билан рўйхатдан ўтган;

12. Бюджет ташкилотлари томонидан ягона ижтимоий тўловни ҳисоблаш, ўтказиб бериш ва тўлашни бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботида қайд этишнинг вақтинча тартиби (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2004 йил 22 апрелдаги дк/03-04-04/181-сонли хати).

13. “Вазирликлар, идоралар, корхоналар ва ташкилотлар ходимлари Ўзбекистон Республикаси ташқарисига хизмат сафарига юборилганда хизмат сафари харажатлари учун маблағ бериш тартиби” Ўз.Р АВ. томонидан 2000 йил 5 июнда № 932-сон билан рўйхатдан ўтган.

14. “Бюджет ташкилотлари ходимларини моддий рағбатлантириш махсус жамғармаси тўғрисида йўриқнома” Ўз.Р АВ. томонидан 1995 йил 20 сентябрда № 177-сон билан рўйхатдан ўтган.

15. “Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шакли ва тушган маблағларни тақсимлаш тартиби ҳақида” Низом. Ўз.Р АВ. томонидан 1999 йил 06 августда № 795-сон билан рўйхатдан ўтган.

16. “Олий таълим муассасалари талабаларига стипендиялар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида”ги Йўриқнома ЎзР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва ЎзР Молия вазирлигининг 2004 йил 2 мартдаги 2П, 43-сонқарорлари билан тасдиқланган.

17. “Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақалар тайинлаш ва тартиби тўғрисида” Низом Ўз.Р АВ. томонидан 2002 йил 8 майда № 1136-сон билан рўйхатдан ўтган

18. “Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидида турувчи ташкилотларнинг харажатлар сметаси ва штатлар жадвалини тузиш, кўриб чиқиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисида” Низом Ўз.Р АВ. томонидан 2010 йил 19 ноябрда № 2157-сон билан рўйхатдан ўтган.

19. “Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Йўриқнома Ўз.Р АВ. томонидан 2010 йил 22 декабрда № 2169-сон билан рўйхатдан ўтган.

20. «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан маблағ билан таъминланадиган ташкилотларнинг даврий молиявий ҳисоботларини тузиш, тасдиқлаш ҳамда тақдим қилиш бўйича қоидалар» Уз.Р АВ. томонидан 2011 йил 27 сентябрда № 2270-сон билан руйхатдан утган

21. Каримов И.А. “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” Т.: “Ўзбекистон” 2009 й.

22. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Т.: Ўзбекистон, 2010.

23. Каримов И.А. «2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишлари» 2012 йил 19 январь.

24. Бюджет ҳисоби. С.У.Мехмонов”Фан ва технология” нашриёти. Тошкент 2012 й.

25. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби. С.Мехмонов., Д.Убайдуллаев. “Сано-Стандарт” нашриёти. Тошкент 2013 й.

26. Останақулов М. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби. Ўқув қўлланма./ М. Останақулов. - Т.: "IQTISOD-MOLIYA", 2009.

#### **Қўшимча адабиётлар:**

28.Останақулов М. Давлат сектори ва бухгалтерия ҳисоби. / М. Останақулов. - Т.: "IQTISOD-MOLIYA", 2010.

29. Красноперова О. Бюджетный учет - Москва: "ГроссМедиа Ферлаг", 2008.

30. Кондраков Н.П., Кондраков И.Н. Бухгалтерский учет в бюджетных организациях. -М.: Проспект, 2006.

31. Иқтисодий журналлар 2009-2013 йиллар.

32. Интернет сайтлари:

- [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

- [www.tfi.uz](http://www.tfi.uz)

- [www.norma.uz](http://www.norma.uz)